КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА РФ ҲУДУДИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ.

(РФ Президентининг 18.04.2020 йил № 274 сонли “(COVID – 19) коронавирус инфекциясининг тарқалиш хавфи муносабати билан РФда чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш бўйича вақтинчалик чоралари тўғрисида” Фармонининг изоҳи)

1) Чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун вақтинчалик бўлиш, вақтинчалик ва доимий яшаш муддатлар давомийлиги 2020 йил 15 март кунидан 2020 йил 15 июнь кунига қадар узайтирилади.

2) Юқорида кўрсатилган даврда амал қилиш муддати тугаётган ишга доир патент ва руҳсатномалар муддати 2020 йил 15 март кунидан 2020 йил 15 июнь кунига қадар узайтирилади.

3) Чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳар қандай ҳужжатларни узайтириш учун бирорта қўшимча ҳаракатларни амалга ошириш керак бўлмайди!!! Агарда бундай талаблар бирорта текширувчи ва назорат қилувчи органдан келиб тушса – УЛАР НОҚОНУНИЙ!!!

4) РФ ҳудудидан ташқарида бўлган ва вақтинчалик бўлишга ёки яшаш турига руҳсатномага эга бўлган шахслар учун – ушбу ҳужжатларни амал қилиш муддати ҳам 2020 йил 15 март кунидан 2020 йил 15 июнь кунига қадар узайтирилади.

5) Ишга руҳсатнома ёки патентга эга бўлган чет эл фуқаролар (РФда бўлиш мақсадига қарамасдан!!!) 2020 йил 15 март кунидан 2020 йил 15 июнь кунига қадар бўлган даврда юқорида кўрсатилган ҳужжатларни олмасдан меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

6) Агарда иш берувчилар ўз фаолиятида чет эл фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланишга руҳсатномага эга бўлса, чет эл фуқароларини ишга жалб қилиши мумкин.

7) 2020 йил 15 март кунидан 2020 йил 15 июнь кунига қадар бўлган даврда чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан чиқариб юбориш/депортация/реадмиссия билан боғлиқ бўлган ҳар қандай маъмурий таъсир чоралар тақиқланади.

Миллатлараро ахборот марказининг (Долзарб алока) ишонч телефонлари:
Рус тили +7 922 2702070
Тожик тили +7 982 7692193
Ўзбек тили +7 966 7070102
Қирғиз тили +7 912 2928333